



## XALQ DEPUTATLARI NUROTA TUMAN KENGASHI

**210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-12-00**

2022 - yil 23 - iyul

VII-41-99-5-74-K/22

Nurota tumani hokimligi

**2022 йилнинг 6 ойи давомида Жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди томонидан одил  
судловни амалга ошириш борасидаги ишлари тўғрисида**

Сўнгти йилларда туманда суд-хукуқ тизимини янада такомилластириш, фукаро ва тадбиркорларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ишончли химоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон хукуқларини химоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди томонидан 2022 йил 6 ойи давомида 22 та шахсга нисбатан 20 та жиноят ишлари кўриб тамомланган. Шундан 18 та шахсга нисбатан 16 та иш бўйича хукм чиқарилган, 3 та шахсга нисбатан 3 та жиноят иши тутатилган.

Хукм чиқарилган ишлардан 4 та иш бўйича 5 та шахсга жарима, 7 та шахсга ахлоқ тузатиш ишлари, 5 нафар шахсга нисбатан озодликни чеклаш ва 1 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

Ҳисобот даврида 52 та ҳукм ижроси билан боғлиқ материаллар кўрилган. Хусусан, 7 нафар шахсга нисбатан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси кўллаш тўғрисидаги ишлар кўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг ахволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларнинг муҳокамасига бағишлиланган йиғилишда суд ишларини 30 фойизидан кам бўлмаган миқдорда сайёр суд мажлисларда кўриш белгиланган бўлиб, туман суди томонидан жами кўрилган ишлардан 12 таси яъни 50 фойизи сайёр суд мажлисларида кўрилган.

Шунингдек, ушбу даврда суд томонидан ҳукм чиқариш йўли билан тамомланган ишларнинг барчасига ёки 128,0 фойзи бўйича хусусий ажрим чиқарилган бўлиб, хусусий ажримларнинг 7 таси ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга, 10 таси маҳалла фуқаролар йиғинларига, 10 таси корхона, муассаса ва ташкилотларга чиқарилган.

Ҳисобот даврида телевидение орқали 8 маротаба, 20 маротаба веб-сайтларда, газета орқали 14 маротаба, радио орқали 5 марта, 85 маротаба лекция, сухбат ва учрашувлар ўтказилган, шундан 11 маротаба ахоли ўртасида, 5 маротаба ўқув муассасаларда, 4 маротаба корхона, ташкилотларда ва бошқа жойларда давра сухбатлари, семинарлар ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил ПФ-6127-сонли “Судьяларнинг чиканам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш ҳамда судьялик касбига тайёрлаш ва

тайинлаш тизимини такомиллаштириш, малакали кадрларни танлаш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан ҳалқ депутатлари Нурота туман Кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди раиси Ф.Рахмановнинг “2022 йил 6 ойи давомида жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди томонидан одил судловни амалга ошириш борасидаги ишлари”ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жиноят ишлари бўйича Нурота туман суди (Ф.Рахманов):

суд тизимини янада такомиллаштириш, суд амалиётини ҳалқчиллаштириш ва судга мурожаат этган ҳар бир шахснинг хукуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш;

туманда жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли худудга айлантириш;

ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, соҳани рақамлаштириш, жойлардаги коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммоларни ўрганиб, бартараф этиш;

фуқароларнинг хукукий онгини оширишда судларнинг ўрнини янада кўтариш, судьяларнинг фуқаролар билан бевосита мулоқотда бўлиши ва уларнинг дарду-хасратларини жойларга чиқиб эшлиши;

судьялар фаолиятини қонун ва адолат талаблари асосида самарали ташкил этиш, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

иш юритишида йўл кўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш, ишларни кўришида қонунда белгиланган муддатларга риоя қилинишини таъминлаш;

мутасадди ташкилотлар билан биргаликда худуддаги “аёллар, вояга етмаганлар, ёшлар” жиноятчилигини доимий равишида таҳлил қилиб, тегишли МФЙларда тарғибот ишларини ўтказиши;

судда кўрилган ишлар бўйича қабул қилинадиган суд қарорларини суд мажлиси иштирокчиларига батафсил тушунтириш;

жойларда муаммоларни ҳал этиш мақсадида ҳалқ билан очик мулоқотлар ўтказиши, судьялар томонидан одил судловни амалга ошириш жараёнлари, ҳалқ билан мулоқот натижалари ва суд фаолиятига доир бошқа масалалар доимий равишида оммавий ахборот воситаларида ёритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари Нурота туман Кенгашининг Суд-хукуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссия раиси (М.Тўйчиев) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



A.Fayziyev